

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2025 йил февраль ойининг 11 куни жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг очик сайёр суд мажлиси, Самарқанд шаҳар “Адолат” маҳалла фуқаролар йиғини биносида бўлиб,

Раислик қилувчи судья З.Ахмедова, судья ёрдамчиси Т.Собировнинг котиблигида, таржимон Д.Каримов, томонлардан Самарқанд шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси А.Мустафакулов, судланувчи М.Хуррамов ва унинг ҳимоячиси адвокат С.Садиев ҳамда жабрланувчи Н.Овсяниковаларнинг иштирокида, Хуррамов Маъруфжон Рахимжон ўғлига нисбатан №1-1401-2502/54-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра :

Судланувчи: Хуррамов Маъруфжон Рахимжон ўғли (Хуррамов Ма'руфжон Раҳимжон о'гли) 1996 йил 3 июль куни Пастдарғом туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, судланмаган, ишсиз, Пастдарғом тумани, Қоровултепа МФЙ, 27 хонадонда яшайди, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 24.01.2025 йилда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда бўлган далилларга баҳо бериб, томонларни музокарасини ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб қуйидагиларни,-

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Хуррамов Маъруфжон Рахимжон ўғли 2024 йил 3 декабрь куни соат 8:00 ларда ўзига тегишли бўлган оқ рангли Дамас русумли 30 А 912 SA давлат рақамли автомашинасини Самарқанд шаҳар, “Ал-Хоразмий” МФЙ, Буюк Ипак Йўли кўчасида жойлашган Тез тиббий ёрдам марказининг олдида орқага ҳаракатлантириши давомида амалдаги йўл ҳаракати қоидаларининг 11-банди “г” кичик бандидаги “транспорт воситаси ҳайдовчиси ҳаракатланиш жараёнида бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларига, айниқса, пиёдалар, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўришга мажбур”, - деб кўрсатилган ва 11-банди “ж” кичик бандидаги “транспорт воситаси ҳайдовчиси ҳаракатланиш вақтида авария ҳолатини юзага келтирмасликка мажбур”,-деб кўрсатилган, шунингдек, 63-бандидаги: “Транспорт воситасини орқага ҳаракатлантиришда ҳайдовчи йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаши ва йўл ҳаракатининг бошқа қатнашчиларига ҳалакит бермаслиги шарт. Зарурат туғилганда ҳайдовчи бошқа шахсларнинг ёрдамидан фойдаланиши керак”,-деб кўрсатилган талабларига риоя қилмасдан, қўпол равишда бузиб, пиёда Овсяникова Наталия Ивановнани



автомашинанинг орқа қисми билан уриб юборган, натижада фуқаро Н.Овсяникова оғир тан жароҳати олишига сабабчи бўлган.

РСТЕИАМ Самарқанд филиалининг 14.12.2024 йилдаги №4268-сонли хулосасида Овсяникова Наталия Ивановнанинг танасида, яъни, ўнг елка соҳасида қонталашлар, ўнг билак суяги бошчасидан синиши, тирсак суяқларини чиқиши каби жароҳатлари аниқланган бўлиб, улар ўтмас қаттиқ жисмлар таъсирида, яъни, ҳаракатда бўлган автомобилнинг ташқи бўртиб чиққан қисмларини танага урилиши ва танани қаттиқ ер қопламаси устига йиқилиши натижасида юзага келганлиги, ушбу жароҳатлар оғир тан жароҳатлари гуруҳига киришлиги, 2024 йилнинг 3 декабрь кунига тўғри келиши мумкинлиги баён қилинган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Хуррамов Маъруфжон Рахимжон ўғли ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, ўзининг кўрсатувида, 2024 йил 3 декабрь соат 7:00 ларда онаси Г.Абдурасулова билан бошқарувида бўлган оқ рангли Дамас русумли 30 А 912 SA давлат рақамли автомашинаси билан уйдан чиққанлигини, бирга соат 8:00 ларда Самарқанд шаҳар Микрорайонда жойлашган тез тиббий ёрдам марказининг олдидаги кўчанинг четки қисмига келиб тўхтаганлигини ва онаси Г.Абдурасуловани автомашинадан тушириб иш жойига кириб чиққанлигини, шундан сўнг яна уйга кетмоқчи бўлиб автомашинасини буриб олиш учун орқага ҳаракатланишни бошлаганлигини, шу вақтда орқани кўрсатувчи ён кўзгуларига қараганлигини ва ерда бир киши ётганлигини кўрганлигини ва зудлик билан автомашинасидан тушиб ерда ётган Н.Овсяниковага ёрдамлашиб шу ердаги тез тиббий ёрдамга олиб кирганлигини, шифокорлар уни кўздан кечиришганлигини ва қўли синганлигини тахмин қилишганлигини, бир оз вақтдан сўнг Н.Овсяникованинг қизи ва куёви етиб келганлигини, шифокорлар Н.Овсяниковани травматология олиб кетиш лозимлигини айтишганлигини, қизи ва куёви Н.Овсяниковани травматология шифохонасига олиб кетишганлигини, у ерда Н.Овсяниковага тиббий ёрдам кўрсатишганлигини, у Н.Овсяниковага дори дармони учун 3.400.000 сўм пул берганлигини, рентген ва дори дармони учун, 1.000.000 сўмдан ортиқроқ пул харажат қилганлигини, Н.Овсяникова ундан ҳозирда асосиз яна 45.000.000 сўм харажатлар учун пул сўраётганлигини, у мазкур пулларни қоплай олмаслигини, чунки жабрланувчи Н.Овсяникованинг бу талаби асосиз эканлигини, ушбу пулни тўлашга моддий шароити ҳам йўқлигини, унга суд томонидан имкон берилса автомашина ёрдамига пул топиб кейинчалик жабрланувчига ёрдам кўрсатиши мумкинлигини, сунки ушбу автомашина унинг ягона даромад манбаи эканлигини, шу орқали қарамоғида бўлган оила аъзоларига қарашиб кеун кечиришини, у содир қилган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон эканлигини, унга нисбатан қонуний енгиллик беришликни сўраб баёнот берди.

Судланувчи Хуррамов Маъруфжон Рахимжон ўғлининг айби, унинг ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, суд мажлисида сўралган жабрланувчи Овсяникова Наталья Ивановнанинг, ҳақиқатдан ҳам 2024 йил 3 декабрь кун соат 08:00ларда Самарқанд шаҳар Ал-Хоразмий МФЙ



Буюк Ипак йўли кўчасидан пиёда бекатгача борганлигини ва иш жойига бориши учун кўчанинг четки қисмидан юриб такси автомашинасини тўхтатмоқчи бўлганлигини, йўлни четки қисмида оқ рангли Дамас автомобили тўхтаб турганлигини кўрганлигини, ушбу автомобилнинг олдидан ўтганлиги, шу вақтда автомобиль орқага юришни бошлаганлиги ва уни уриб юборганлиги, у йиқилганлиги ва оғриқни сезганлиги, автомашина ҳайдовчиси шу ерда турган одамлар билан биргаликда уни тез тиббий ёрдам пунктига олиб киришганлиги, қизи ва куёви етиб келишганлиги, уни травматология шифохонасига олиб кетишганлигини, рентгендан ўтказишганлиги, қўли синганлиги учун шифокорлар гипс қилишганлиги, шифохонада даволаниши жараёнида М.Хуррамов унга дори дармон харажатлари учун 3.400.000 сўм берганлигини ҳамда рентген ва бошқа харажатларга 1.000.000 сўм харажат қилган бўлиши мумкинлигини, декабрь ойида маълум муддат ишга бормаганлиги ҳамда ҳозирги кунга қадар даволаниб келаётганлиги учун унга даъвоси борлигини, ярашмаслигини, моддий маънавий зарарни ундириб беришлик ҳақидаги кўрсатуви билан;

шунингдек, жиноят ишидаги йўл-улов ҳодисаси юзасидан маълумотнома, воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган чизма, Н.Овсяникова номига тўлдирилган судга оид тиббий экспертизанинг хулосаси ва тиббий баёни, судга оид автотехника, транспорт-трассология ва баҳолаш экспертизаси хулосалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа бир қатор объектив далиллар билан тўлиқ ўз тасдиғини топади.

Суд, судланувчи Хуррамов Маъруфжон Рахимжон ўғлининг транспорт воситасини Йўл ҳаракати қоидаларининг талабларини қўпол равишда бузиб бошқариши натижасида жабрланувчига оғир тан жароҳати етказилишига сабабчи бўлишда ифодаланган жинойий ҳаракати дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Хуррамов Маъруфжон Рахимжон ўғлининг айбига тўлиқ иқрорлигини ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон эканлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, унинг Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини эътироф этади.

Суд, судланувчи Хуррамов Маъруфжон Рахимжон ўғлига нисбатан жазо турини ва меъёрини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 26 июндаги “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 10-сонли Қарорининг 25-бандидаги “Судлар йўл-транспорт ҳодисасида айбдор деб топилган шахсга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда инсонпарварлик, одиллик тамойилларидан келиб чиқиб, ҳар бир иш бўйича алоҳида ёндошув тўғрисидаги қонун талабига қатъий риоя қилишлари, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига, ҳодиса содир бўлгандан кейин шахснинг хатти-ҳаракатларига (унинг жабрланувчига тиббий ёрдам кўрсатиш учун қилган



ҳаракатлари, жабрланувчи ва унинг оиласига моддий ва бошқа тарзда ёрдам берганлиги, жиноят натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаганлиги ва ҳ.к.) ва жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларга алоҳида эътибор беришлари шарт” деб қайд этилган раҳбарий талабларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 3.02.2006 йилдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 01-сонли Қарорининг раҳбарий кўрсатмаларига амал қилиб, судланувчи Хуррамов Маъруфжон Рахимжон ўғлининг шахсини, содир этган жиноий қилмишига тўлиқ иқрорлик билдириб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон эканлигини, унинг жабрланувчига шифохонада бўлган вақтлари моддий томондан қарашганлигини ва содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиш билан бирга, бугунги кунда жабрланувчи Н.Овсяникованинг унга нисбатан даъвоси борлигини эътиборга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашликни лозим топади.

Шу билан бирга, судланувчи Хуррамов Маъруфжон Рахимжон ўғлига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 45-моддасига асосан қўшимча жазо қўллаш масаласини муҳокама қилиб, судланувчи М.Хуррамовнинг асосий касби ҳайдовчи бўлиб, бошқа касби йўқлигини, оиласининг моддий таъминоти ҳам мазкур транспорт воситаси ва шу касби орқасида эканлигини, Н.Овсяниковани шифохонада даволаниш жараёнида унинг даволанишига тўлиқ моддий томондан ёрдам берганлигини инобатга олиб, судланувчи М.Хуррамовга қўшимча жазо тариқасида муайян ҳуқуқдан, яъни уни транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш қўшимча жазосини қўлламасликни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, жабрланувчи Н.Овсяниковага сарф харажатлар ва бошқа моддий-маънавий даъволари бўйича тегишли тасдиқловчи ҳужжатларни тўплаган ҳолда фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида мурожаат қилиш ҳақуқига эга эканлигини тушунтиришликни лозим топади.

Суд, жиноят иши бўйича ашёвий далил эътироф этилмаганлигини эътироф этади.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, ҳукм қилади -

Ҳ У Қ М

Судланувчи Хуррамов Маъруфжон Рахимжон ўғли (Хуррамов Ма'руфжон Раҳимжон о'ғли) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўталсин ва ахлоқ тузатиш ишлари



жазосини ўташ муддати у жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан ҳисоблансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ижросини таъминлаш Самарқанд шаҳри бўйича ИИО ФМБ зиммасига юклатилсин.

Судланувчи Хуррамов Маъруфжон Рахимжон ўғлига нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Жабрланувчи Н.Овсяниковага сарф харажатлар ва бошқа моддий-маънавий даъволари бўйича тегишли тасдиқловчи ҳужжатларни тўплаган ҳолда фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида мурожаат қилиш ҳақуқига эга эканлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ва ишда тараф бўлмаган шахслар ҳам суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн кун ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят бериши ёки прокурор протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи судья:
“аслига тўғри”

/имзо/

З.Ахмедова

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд
шаҳар судининг судьяси:

З.Ахмедова

